

## ДХШ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЙОРИТАЁТГАН МТТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Тохиров Жаҳонгир Махмуджон ўғли

Наманган мұхандислик технология  
институти тадқиқотчиси



**Аннотация.** Мазкур мақола наманган вилоятида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосидаги хусусий тадбиркорлик фаолиятида амалага оширилган лойиҳалар маълумотларини ўрганиш назарда тутилган. Шунингдек, наманган вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда давлат ва хусусий сектор ўртасида хамкорликни шакллантиришда ДХШ асосида тадбиркорликни ривожлантириш асосий масала ҳисобланади. Бироқ, Наманган вилоятида ДХШ доирасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкилий механизми билан боғлиқ бир нечта муаммолар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Давлат хусусий-шерикчилик, тадбиркорлик, инфраструктура, лойиҳа, хусусий сектор, МТТ

**Аннотация.** Целью данной статьи является изучение данных о проектах, реализуемых в сфере частного предпринимательства на основе государственно-частного партнерства (ГЧП) в Наманганской области. Также развитие предпринимательства на основе ГЧП является ключевым вопросом в формировании сотрудничества государственного и частного секторов в экономическом и социальном развитии Наманганской области. Однако выявлен ряд проблем, связанных с организационным механизмом частного предпринимательства в рамках ГЧП в Наманганской области.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, предпринимательство, инфраструктура, проект, частный сектор, МДО

**Abstract.** The purpose of this article is to study data on projects implemented in the field of private entrepreneurship on the basis of public-private partnership (PPP) in the Namangan region. Also, the development of entrepreneurship on the basis of PPP is a key issue in the formation of cooperation between the public and private sectors in the economic and social development of the Namangan region. However, a number of problems related to the organizational mechanism of private entrepreneurship within the framework of PPP in the Namangan region have been identified.

**Keywords:** public-private partnership, entrepreneurship, infrastructure, project, private sector, MDO

**Кириш.** Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг ҳуқуқий воситаси сифатида Ўзбекистон учун нисбатан янги восита ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тушунчаси илк бор қонунчилик даражасида 2018-йил 5-апрелдаги ПҚ-3651-сонли Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом билан киритилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини харид қилиш тартиб-таомилларини тартибга солишга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, давлат хизматлари, музейлар ва театрлар соҳаларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлаштириш мақсадида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) жараёнини риволантириш бугунги кунни талабларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда иқтисодиётини ўсишида хусусий тадбирорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилмоқда. Шунингдек, иқтисодиёт инфратузилмасини модернизация қилиш қилишда тадбиркорлик фаолиятини транфармация қилиш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат ва хусусий секторларни жалб қилиш мақсадида давлат хусусий-шериклик (ДХШ) тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг назаримида, сўнгти йилларда мамлакатимизда ДХШ лойиҳаларни амалга оширишда хусусий секторларни ва тадбиркорлик фаолиятини амалиётини ривожлантиришга турки бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликни (ДХШ) ривожлантириш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, лойиҳаларни тайёрлашни такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятидаги хусусий секторни иштирокини осонлаштириш, рискларни самарали бошқаришни таъминлаш, салоҳиятни ошириш ва шаффофликни рағбатлантиришни ўз ичига олган кўп қиррали ёндашувни талаб қилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

давлат-хусусий шериклик давлат идоралари ва хусусий корхоналар ўртасида шартнома ёки меморандум асосида тузилган. Давлат ва хусусий томонлар бундай молиялаштириш, ишчи қучи, капитал ва менежмент каби ресурсларни бўлишадилар. ДХШ келишув асосида мавжуд бўлиб, унда ҳар бир соҳанинг билимлари кенг жамоатчиликка хизмат кўрсатишда қўлланилади. Умуман олганда, Ҳукуматлар ўзларининг самарасизликлари ҳақида тобора кўпроқ хабардор бўлмоқдалар ва кўпчилик лойиҳаларни амалга оширишда бюджетлаш ёки молиялаштириш муаммоларига дуч келмоқдалар. Маҳсулот ва хизматларнинг самаралироқ хусусий етказиб берувчилари билан шартнома тузиш орқали давлат агентлиги ўз кун тартибини илгари суриши мумкин. Давлат ва хусусий шериклик баозан давлат хизмати ва хусусийлаштирилган хизмат ўртасида ўтиш даври сифатида мавжуддир. Узоқ йиллар давомида давлатлар бундай аралашган давлат ва хусусий ҳаракатлардан фойдаланган. Мисол учун Мисрда 1800 йилларнинг бошларида минимал иш ҳақи эвазига жамоат ишларига эришиш учун

"имтиёзлардан" фойдаланди, шу билан бирга концессия компаниялари катта даромадни темир йўл лойихалардан олишган. Америка Қўшма Штатларининг дастлабки инфратузилмаси аксарият ҳолларда давлат-хусусий шериклик деб аташ мумкин [1] бўлган ишлар асосида қурилган. Бунга 1792 йилда бошланган Пенсильвания штатидаги Филаделфия ва Лансастер Турнпике йўллари, кўплаб темир йўллар, шу жумладан 1815 йилда Ню-Жерси штатида ихтиро қилинган биринчи темир йўл; ва замонавий электр тармоғининг кўп қисмини келтириш мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан давлат-хусусий ҳамкорлигининг иқтисодий ўсишга таосири. Иқтисодий ўсиш инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ҳисобига амалга оширилади, бу эса индивидуал ишчиларга ўз меҳнатлари учун юқори қийматни ва яшаш даражасининг юқори бўлишини таоминлайди. ДХШ ресурслардан самаралироқ фойдаланишга имкон беради ва натижавий ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади.

**Афзалликлари.** Хусусий компаниялар ва ҳукumat ўртасидаги шериклик алоқалари иккала томон учун ҳам афзалликларни беради. Масалан, хусусий сектор технологиялари ва инновациялар операцион самарадорликни ошириш орқали давлат хизматларини яхшилашга ёрдам беради. Ўз навбатида, давлат сектори хусусий сектор учун лойихаларни ўз вақтида ва бюджет доирасида амалга ошириш учун раъбатлантиради. Бундан ташқари, иқтисодий диверсификацияни яратиш мамлакатни инфратузилма базасини ривожлантириш ва тегишли қурилиш, жиҳозлар, ёрдамчи хизматлар ва бошқа бизнесни ривожлантиришда янада рақобатдош қиласи.

**Камчиликлари.** Автомобил ёки темир йўл каби жисмоний инфратузилма қурилиш хавфини ўз ичига олади. Агар маҳсулот ўз вақтида етказиб берилмаса, харажатлар сметасидан ошса ёки техник нуқсонга эга бўлса, хусусий шерик одатда юкни кўтаради [2]. Г А Борщевский томонидан берилган таърифга кўра давлат-хусусий шериклиги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришга қаратилган жамоа ва хусусий шериклар ўртасида техник хизматлар кўрсатиш ижтимоий инфраструктура обьектларини қуриш, таъмирлаш модернизация, қилиш узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро фойдали хизматларни тақдим этиш фаолиятини олиб боришига қаратилган жавобгарлик компетентлик ва хавф-хатарни тақсимлаш билан амалга ошириладиган битим ҳисобланади [3].

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродовнинг тадқиқот ишларида давлатхусусий шерикчилик тамойиллари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, ижтимоий обьектлар, шу жумладан, туризм инфраструктураси обьектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойихаларни амалга оширишни раъбатлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган [4]. Шунингдек россиялик олимлар томонидан давлат-хусусий шериклиги муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланишини кўриб чиқсан ҳолда бу процессуал характерда бўлиб давлат тадбиркорлар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва миллий хавфсизлигига эришишга қаратилган тарафларнинг ўзаро бирдам муносабатидир деб эътироф этишади [5].

Хирсчман ва Биеклар тадқиқот ишида инфраструктурани давлат хизматларини таъминловчи капитал сифатида қайд этган. Инфратузилма табиатан йўлнинг кесишма жойига ўхшайди, яъни мақсад ёки исталган натижа (ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим) мақсадларига эришиш учун ҳукумат ёки бошқарув субъектлари томонидан кучли хусусий сектор билан биргаликда амалга оширилса муваффақиятли ҳисобланади [6].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Скотт Э, Грасман, Хавьер, Фаулин, Фернандо, Лера-Лопеслар илмий ишланишида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) транспорт лойиҳалари, шифохоналар, мактаблар ва жамоат ишлари обьектлари каби йирик инфратузилмани ривожлантиришни молиялаштириш механизмиdir. Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикликнинг афзаликлари муҳандислик менежменти соҳасида ҳам кенг тарқалган. Энг муҳими, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни янада самарали бошқариш, рискларни моҳирона камайтириш ва технологик инновацияларни яхшилаш имконини беради. Уларнинг тадқиқотида давлат-хусусий шерикликнинг одатий жараёнининг умумий тавсифи ва ушбу жараёндан давлат секторида технологияларни бошқаришни такомиллаштиришда қандай фойдаланиш мумкинлиги келтирилган [7].


Жумладан, Роджер Веттенхолл фикрича, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) давлат секторини бошқаришда оммабоп тушунча бўлиб, у давлат ва хусусий тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг турли шаклларини ўз ичига олади, жамият манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда умумий мақсадларга эришишга қаратилган [8]. Шунингдек, СО, Олатунджи., Тимоти, Олеватосин, Олавуми, Д.Р, Огунсемилар тадқиқотига кўра: “давлат-хусусий шериклик (ДХШ), давлат инфратузилмасини қўллаб-қувватловчи хусусий тадбиркорларни ўз ичига олади. Улар биргаликда масъулият ва рискларни бошқариш орқали инфратузилмани ривожлантиришга фойда келтирадиган қўшма корхоналар ва имтиёзлар шаклида бўлиши мумкин [9].

### **Тадқиқотни методи**

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳдил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усуllibаридан самарали фойдаланилди.


### **Таҳлил ва натижалар**

Наманган виолиятида 2019-2023 йилларда 40 та ДХШ лойиҳалари амалга оширилган. Ҳусусан, 2019 йилда 5 та ДХШда лойиҳалар бажарилган бўлса, 2023 йилда 3 баробарга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, 2023 йилгача вилоятда ДХШ лойиҳалари ўсиш тенденциясида эканлигини кўрсатади. Шунингдек, хар бир лойиҳани амалган оширишда инвестициялар жалб қилинган жумладан, 2019 йилда Наманган вилоятига ДХШ асосида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 30 млн.долларни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 60 млн.доллар ошганлиги кўришимиз мумкин (1-расм).



**1-расм. Наманган вилоятида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари ҳамда жалб қилинган инвестициялар ҳажми<sup>1</sup>**

Наманган вилоятида ДХШ асосида жалб қилинган инвестициялар жами ҳажми 200 млн.доллар бўлган. Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятда ДХШ асосида лойиҳаларни амалга оширилаётган инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, сўнги йилларда хукumatning ДХШни ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларни такомилаштиргани ҳамда тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш мақсадида айрим ҳужжатли жараёntlарини соддалаштирганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, вилоятда ДХШ лойиҳаларни худудни ривожлантириш учун инфратузилмага, соғлиқни сақлашга, таълимга, энергетика ва бошқа соҳалар бўйича амалга оширилган (2-расм).



**2-расм. Наманган вилоятида ДХШ лойиҳаларини соҳалар бўйича тақсамланиши, фоизда (2019-2023 йиллар)<sup>2</sup>**

2-расмдан кўриниб турибдики, Наманган вилоятида ДХШ лойиҳаларининг 40 фоизи инфратузилмани ривожлантириш мақсадида амалга оширилмоқда. Хусусан, Наманган вилоятида транспорт, коммунал хизматлар, ижтимоий инфратузилма ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича турли ДХШ лойиҳаларини ўз ичига олади. Мазкур лойиҳалар худуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида, иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим

<sup>1</sup> ДХШнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>2</sup> ДХШнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

аҳамият касб этади. Вилоятни инфратузилмадаги муҳим камчиликларни бартараф этиш ва барқарор ўсишни таъминлашда минтақанинг устувор йўналишларини акс эттиради. Шунингдек, Наманган вилоятида амалга оширилаётган ДХШ лойиҳаларнинг 25 фоизи соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилмоқда. Хусусан, 2019-2020 йилларда Наманган вилоятида соғлиқни сақлаш тизимни ривожлантириш учун 15 та ДХШ лойиҳаси амалга оширилган. Шунингдек, касалхоналарни қуриш ва модернизация қилиш бўйича 5 та, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида 4 та, бирламчи соғлиқни сақлаш муассаларида 3 та, ўкув ва таълим марказида 2 та ҳамда мобил соғлиқни сақлаш бўлимларида 1 та лойиҳалар бажарилган. Жумладан, ДХШ асосида соғлиқни соғлаш тизимига 150 млн.доллар лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг 60 фоиз маблағлар давлат томонидан, хусусан 90 млн. доллар жалб қилинган. Шунингдек, қолган 40 фоизи, яъни 60 млн. доллар маблағ тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб қилинган ҳисобланди. Умуман олганда, Наманган вилоятида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожланишига амалга оширилаётган ДХШ лойиҳалари сезиларли даражада таъсир қилмоқда. Натижада, кўп миқдордаги инвестициялар соғлиқни сақлаш соҳасини инфратузилмасини яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасини яхшилаш ҳамда мазкур соҳадаги хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширишга хизмат қиласи. Наманган вилоятида амалга оширилаётган ДХШ лойиҳаларини 15 фоизи таълимни ривожлантиришга йўналтирилмоқда

Жумладан, Наманган вилоятида таълим соҳасида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари охириги йилларда сезиларли даражада ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сифатли таълим олиш имкониятларини оширишга, инфратузилмани яхшилашга ва умумий таълим муҳитини яратишга хизмат қиласи. Хусусан, вилоятда охириги беш йилда таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида 20 яқин ДХШ лойиҳалари амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларини давлат томонидан 60 млн.долларлик инвестиция жалб қилинган бўлса, 40 млн.долларлик инвестиция тадбиркорлик субъектларидан жалб қилинганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, сўнги йилларда Наманган вилоятида таълим соҳасида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари ўсиш тенденциясини кузатишимииз мумкин. Шунингдек, Намангандаги мактабгача таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибо берилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассаларини қамровини ошганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 991-сонли қарорига асосан мактабгача таълим муассалари ташкил этишда ДХШ асосида ташкил этиш амалиёти жорий қилинди. Мазкур қарорга асосан тадбиркорлар ўз фаолиятини ташкил этишда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши назарда тутилган. Ўз навбатида, ДХШ асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассаларига давлат томонидан коммунал хизматларига тўланадиган маблағларга давлат бюджетидан компенсациялар ажаратиш назаратда тутилган. Хусусан, мамлакатимизда 2013 йилда ДХШ асосида фаолият юритаётган 4720 та мактабгача таълим муассалари рўйхатга олинган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> <https://anhor.uz/uz/news/bogchalar/>

Жумладан, мамлакатимизда мактабгача таълим муассалари фаолиятини юритишида ДХШни ҳамма шаклидан фойдаланилмай келмоқда. ДХШнинг 10 та шаклидан атига учта шаклидан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим муассаларини фаолиятини амалга оширилмоқда (3-расм).

**Давлатга тегишли фойдаланилмаётган мактабгача таълим муассаларини биноларини ноль қийматда фойдаланишга берилиш**

**Оилавий тадбиркорлик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассаларини моддий-техник ва услубий жиҳатларини таъминлаш шаклини ДХШда амалга ошириш**

**Хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассаларини моддий таъминлаш шаклини ДХШда амалга ошириш**

### **3-расм. Нодавлат мактабгча таълим муассаларини ташкил этишдаги ДХШ шакллари<sup>4</sup>**

Жумладан, давлатга тегишли бўлган фойдаланилмайдиган давлат мулк обьектлари нол қийматда тадбиркорлик субъектларига ДХШ лойиҳаси асосида берилиш амалиёти жорий қилинди<sup>5</sup>. Мактабга таълим тизимини ривожлантириш, мактабгача таълим муассаларини инфратузилмасини яхшилаш, моддий-техника базасини замон талабларига мослаштириш, шунингдек, аҳолини ўсиш тендециясини иnobатта олган ҳолда мактабларнинг қамровини ортишини оқибатида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали нодавлат мактабгача таълим муассаларини ДХШ шаклида фаолиятини ташкил этилди<sup>6</sup>.

Хусусан Наманган вилоятида мактабгача таълим тизимиға келсак Мактабгача таълим бола ҳаётидаги енг муҳим босқич бўлиб, у болаларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди, шахснинг шаклланишига, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга таъсир қиласи ва уларнинг келажагини белгилайди. Гарчи бу болалар ривожланишининг турли соҳалари бўлса-да, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим, таълим тизимининг ажралмас қисмига айланди ва унинг аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда. Бугунги кунда мактабгача таълим тизимининг турли жиҳатларини тавсифловчи давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини қўшган ҳолда) асосий кўрсаткичлари, хусусан, мактабгача таълим ташкилотлари ва улардаги болалар сони, ушбу соҳада фаолият юритаётган


<sup>4</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. ВМҚ-475-сон, 2018 йил 25 июнь.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. ПҚ-3651-сон, 2018 йил 5 апрель.

педагоглар ва тарбиячилар сони, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари каби маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматлари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилади.



#### **4-расм. Наманган вилоятида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида умумий маълумот<sup>7</sup>**

Агар 2024-йил 1-январ ҳолатига фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларининг энг катта қисми Тўракўрғон (475 та), Уйчи (470 та) ва Янгиқўрғон (455 та) туманларида кузатилган бўлса, бошқа худудларга нисбатан енг паст кўрсаткич Косонсой (135 та), Наманганд (172 та) ва Норин (183 та) туманларида қайд этилган (1-жадвал).


1-жадвал

## **Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

Худудлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
<b>Наманган шаҳри</b>	107	122	41	55	395
<i>шу жумладан:</i>					
Янги Наманган тумани	-	-	24	32	7
Давлатобод тумани	-	-	33	28	-
<b>Туманлар:</b>					
Мингбулоқ	60	61	59	62	269

<sup>7</sup> ДХШнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Косонсой	39	41	40	43	135
Наманган	35	37	38	41	172
Норин	55	62	58	58	183
Поп	50	52	55	57	327
Тўрақўрғон	44	45	46	47	475
Уйчи	46	49	52	52	470
Учқўрғон	49	51	52	54	197
Чорток	49	38	40	43	201
Чуст	62	63	67	67	326
Янгиқўрғон	47	48	48	50	455



**5-расм. Наманган вилоятида 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши<sup>8</sup>**

Шу ўринда 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши бўйича сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2019-йилнинг 1-январ ҳолатига болаларнинг 20,8 % и мактабгача таълим олиш имкониятига эга бўлган бўлса, 2024-йилнинг 1- январ ҳолатига эса бу кўрсаткич 71,4 % гача етди (2.2.5-расм). Ушбу ижобий тенденцияни болаларни эрта болалик даврида ҳар томонлама ривожланиши учун таълим стратегиялари ва дастурларини муваффақиятли амалга оширилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

### Хулоса ва таклифлар

Мамалкатимиздаги чекка худудларини ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иктисодий механизмини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, Наманган вилоятини иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришда давлат ва хусусий сектор ўртасида хамкорликни шакллантиришда ДХШ асосида тадбиркорликни ривожлантириш асосий масала ҳисобланади. Бироқ, Наманган вилоятида ДХШ доирасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкилий механизми билан боғлиқ бир нечта муаммолар дуч келиш мумкин.

<sup>8</sup> ДХШнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

**Биринчидан**, Наманганда ДХШ доирасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ягона маҳаллий бошқарув тизимини мавжуд эмаслиги.

**Иккинчидан**, Наманганда ДХШ асосида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда институтционал асослардаги чекловлар мавжудлиги.

**Учинчидан**, Наманганда ДХШ асосида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда инфратузилмани ривожланмаганлиги.

**Тўртингчидан**, ДХШ амалга оширишда нортматив-хуқуқий хужжатлардаги чекловлар.

**Бешинчидан**, ДХШ асосида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда марказлаштирилган назоратни мавжудлиги.

**Олтингчидан**, ДХШ асосида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда лойиҳаларнинг нобарқарор бўлишилиги.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. World Bank. 2010. Public-Private Partnerships for Urban Utilities : A Review of Experiences in Developing Countries. Washington, World Bank.
2. Elisabetta Iossa., "Contract Design in Public-Private Partnerships" Report prepared for the World Bank 2011 University of Rome Tor Vergata
3. Борщевский Г А . . Государственно -частное партнерство учебник и практикум для : бакалавриата и магистратуры Г А Борщевский / – М Издательство Юрайт . : , 2015. – 344 . с Серия Бакалавр и магистр : Академический курс
4. Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил, 3-бет
5. “Основы государственно-частного партнерства теория методология практика кол авт ” ( ; под ред В Варнавского А Зельднера В Мочальникова С Сильвестрова – Москва Анкил: ,2015. – С.16.)
6. Mr. BikramShahi. Impact of Infrastructure Development on Society: A Case Study of the Narayan Municipality ward No. 1, Dailekh. Exam Roll No: 281391 T.U Registration No: 6-2-55-809-2004 Central Department of Rural Development Faculty of Humanities & Social Sciences Tribhuvan University Kathmandu, Nepal. August, 2012, p 6.
7. Scott, E., Grasman., Javier, Faulin, Fernando, Lera-López. (2008). Public-Private Partnerships for technology growth in the public sector. 1-4. doi: 10.1109/IEMCE.2008.4617989
8. Roger, Wettenhall. (2003). The Rhetoric and Reality of Public-Private Partnerships. Public Organization Review, 3(1):77-107. doi: 10.1023/A:1023000128175
9. SO, Olatunji., Timothy, Oluwatosin, Olawumi., D.R., Ogunsemi. (2016). Demystifying Issues Regarding Public Private Partnerships (PPP). Journal of economics and sustainable development, 7(11):21-33.

